

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудларида кишилик тарихининг Фергантроп одамидан кейин ўтган аجدодлар тарихининг барча давр ва боскичларига оид ёдгорликлар ҳам топиб ўрганилган. Бу кўп асрлик тарихнинг юздан тўксон тўккиз фоизи археологик манбалар асосида ўрганилади. Чунки у даврларда ёзув бўлмаган. Ўрта Осиё халклари кадимги тарихи ҳақида илк маълумот берувчи дастлабки манба-Авесто бўлиб, биринчи бор унинг “Видевдат” китобида Ўрта Осиёнинг кадимги вилоятлари ва халкларининг номлари тилга олинади.

Ўрта Осиёнинг кадимги халклари ҳақида Ахамоний подшоларининг қоя тошларга битилган битикларида ҳам тегишли маълумотлар учрайди. Ўрта Осиё халкларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, кийим-кечаги ва кўп киррали ҳаёти ҳақида кизикарли материаллар юнон муаллифлари ва Хитой ёзма манбааларида кўпроқ учрайди. Булардан ташқари археологик изланишлар давомида турли давр ва йилларда топилган маҳаллий аҳолининг хоразмий, бохтарий, сугдий ва “номаълум ёзув” деб аталмиш ёзма манбаалари ҳам борки, улар қисқа ва кам бўлишидан катъий назар, Ўрта Осиё халклари, жумладан ўзбек этногенези учун ноёб маълумотлар беради. Араб, форс ва турк ёзма манбаларида ҳам ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи учун қимматли маълумотлар учрайди. Ўрта Осиё халкларининг келиб чиқиши масалаларини ёритишда уларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Бу ёзма манбаалар ичида энг кадимгиси, кадимда Ўрта Осиёда яшаган халқлар номини илк бор тилга олган ёзма манбаа – бу Авестодир.

Авесто зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, шу диндаги халқарнинг ахлоқ, одаб, диний қонун ва қоидалар мажмуасидир. Дастлаб Авесто 21 китобдан иборат бўлган. Бизгача унинг айрим қисмларигина сақланиб қолган. Масалан, Ясна, Виспарат, Яшт, Видевдат. Ясна китоби 72 бобдан иборат бўлиб, улардан 17таси - “Готалар” пайгамбар Заратуштранинг “муқаддас мадҳиялари” ва диний насиҳатларидан иборат. “Готалар” Авестонинг энг кадимги қисми бўлиб, ундаги Заратуштранинг архаик ибора ва терминлари сўзма-сўз Ясна китобига киритилган. Шунинг учун тадқиқотчилар “Готалар” кадимги эроний тилларнинг қайси лаҳжасида ёзилганлигини аниқлаш ва уларнинг маъноларини чақиш қийинлигидан нолийдилар. “Виспарат” китоби 21 бобдан иборат. Унда зардуштийларнинг байрам ва диний маросимларда ижро этиладиган айрим мадҳиялари тўпланган. 21 бобдан иборат “Яшт” китобида ёзувсиз замонларга оид эроний

кабилаларнинг диний тасаввурлари, афсонавий кахрамонлар ва улуг худоларга бағишланган мадхиялар тўпланган. Демак, Яшт боблари кадимги кабилалар огзаки ижоди асосида пайдо бўлган. Видевдат улар ичида бирмунча ёш, лекин тўлик сакланган китобдир. У 22 бобдан иборат бўлиб, унда “девларга қарши қураш” қоидалари ҳақида гап боради.

Заратуштра. Авестода акс этган асосий қонун ва қоидалар, диний эҳтиқоднинг етакчи тушунчалари тарихий шахс Заратуштра номи билан боғлиқ. Унинг номи кадимги эронча «зарат» ва «уштра» сўзларидан ташкил топган. «Зарат»-сарик, “уштра”-туя, яъни “Сарик туя етаклаган одам” маъносини англатади. Заратуштранинг бошқалардан фарқи шундаки, у ўта истеъдодли шоир, илоҳиёт билимдони, файласўф олим бўлган. Ягона худога ишонишгина жамиятни янги таракқиёт босқичига қўтара олади, деб ҳисоблар эди у. Заратуштра 40 ёшга тўлганда эзгулик худоси Ахурамазда назарига тушади ва шундан бошлаб Ахурамазда динининг пайгамбарига (“эзгулик ҳақида дарак берувчига”) айланади. У ўз қавмлари орасида Ахурамазда динини тарғиб қила бошлайди. Бунинг учун у “Готалар” деб аталган, қўшиқ қилиб айтишга мўлжалланган шеърлар яратади. Заратуштра “Готалар”идан 17таси Авестонинг “Ясна” деб аталган қисмига қирган ва бизгача сакланган. Авестода Заратуштра уругининг номи, ота ва онасининг исми, оиласи ва фарзандлари ҳақида аниқ маълумотлар бор. Аммо унинг тугилган жойи аниқ эмас. Олимларнинг тахминий фараз қилишларича у Туронзамин вилоятларидан бирида, яъни Хоразм ёки Сугдиёнада қохинлар оиласида тугилиб ўсган. У Спитама уругидан бўлиб, отасининг исми-Поурушасп, онасиники-Дугдова.

Заратуштра анъанавий тасаввурларга қўра, милоддан аввалги VII-VI асрлар оралигида яшаган (И.М.Дьяконов, В.И.Абаев, Б.Г.Гофуров). Аммо, Авесто маълумотларига асосланиб олимлар Заратуштрани милоддан аввалги II-минг йилликнинг иккинчи ярмида (1500-1200 йиллар-Мэри Бойс, А. Аскарров), милоддан аввалги I-минг йилликнинг бошларида (1000-900 йиллар-И.М.Стеблин-Каменский) ўтган, деган фикрларни ҳам ўртага ташлаганлар.

Авестога асос солинган юрт унинг тарихий географиясига қўра, Марғиёна Бактрия, Сугдиёна, Хоразм ёки Ўрта Осиёга чегарадош шимолий-шарқий Эрон ҳудудлари бўлиши мумкин. Чунки, Авестонинг энг кадимги географик номлари айнан шу вилоятлардан бири эканлигидан далолат беради. Авестодаги кадимги географик ҳудудий тушунчалар – этник кабилалар ва вилоятлар номлари, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар, Авесто жамиятининг ижтимоий таркиби Ўрта Осиё халклари этногенези ва илк давлатчилик тарихи учун ноёб манбаадир. Унда ўзбек ва тожик, форс ва афғон, озарбайжон ва бошқа халқларнинг ибтидоий ва қадимий илоҳий тасаввурлари, қойнот ва ердаги дунёнинг яратилиши билан боғлиқ тушунчалар, афсона ва ривоятлар, фалсафий-ахлоқий қарашлар ўз аксини топган. Авестода ижтимоий-иқтисодий

муносабатлар. Авесто жамияти тўрт ижтимоий боскичдан иборат: патриархал оила жамоаси-нмана, патриархал уруг жамоаси-вис, кабила жамоаси-занту ва кабилалар иттифоки-дахгю. Дахъю вилоят, мамлакат маъносини ҳам англатган. Оила, уруг, кабила бошлигини англатиш учун “пати” (ота) сўзи ишлатилган. Демак, оила бошлиги-нманapati, уруг оксоколи-виспати, кабила бошлиги-зانتupati, мамлакат сардори-дахъюпати деб юритилган. Мамлакатни идора килган шахс “кави”, яъни диний, дунёвий ҳокимият эгаси бўлиб, унинг ҳарбий саркардасига “састар” сўзи ишлатилган. Састар одатда дахю пайтахтининг ҳокими бўлган, мамлакат ҳарбий ҳолатда бўлган кезларда унинг зиммасига ҳарбий кўмондонлик вазифаси юклатилган. Авестода ёзилишича, састар дахъю округларидан бирини бошқариши ҳам мумкин бўлган. Демак, унинг вазифасига мамлакат ҳарбий кучларига кўмондонлик қилиш ва пайтахт ёки ўлкани бошқариш кирган.

Састар ва кави атамалари иктисодий ҳаёти дехкончилик хўжалиги асосида қурилган мамлакатлар бошқарув тизимида учрайди. Чорвадорлар жамоасида эса кави ва састар вазифаларини кабила жабгуси бажарган. Авесто жамияти таркибининг энг юкори боскичи – дахъю эногенез нуктаи зараридан ёндашилса – бу нафакат йирик ҳудудий бирлик, балки маълум бир этник бирликнинг махмурий ҳудуди ҳамдир. Шундай ҳудудий этник бирликлардан 16 тасини номлари Авестода тилга олиниб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида муайян халқлар номи билан боғлиқ этник бирликлардир.

Авесто жамиятининг ҳудудий таркибида бир неча дахъюларни сиёсий жихатдан уюштирган дахъюлар конфедерацияси бўлган. Уларнинг тепасида дахъю састи турган. Дахъю састи - бу дахъюнинг давлат даражасига ўсиб чиққан бўғини. Масалан, Ахамонийларга қадар хорасмийлар етакчилик қилган сиёсий уюшмани (Яшт, 10 боб) дахъю састи конфедерацияси дейиш мумкин. Марквард мана шу сиёсий уюшмани “Катта Хоразм” деб аташни таклиф қилган эди.

Ёзма манбааларда Ахамонийларга қадар “Кадимги Бактрия подшолиги” бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Хатто, унинг таркибига Марғиёна ва Сугдиёна вилоятлари ҳам қирганлиги ҳақида қарашлар мавжуд. Бу сиёсий давлат уюшмасига Бактрия етакчилик қилган. Аммо дахъю састи кўл остидаги подшолик ҳали мутлоқ ҳокимият эгаси эмас эди, унинг ҳуқуқлари дахъюпатилар томонидан чекланган эди. У фақат дахъюпатилардан ташкил топган кенгашни раиси, дахъю састи уюшмасининг ҳуқуқи “ханчамана” томонидан чекланган подшоли. Бу сиёсий уюшманинг тепасида диний раҳбари, олий судгаси бор. У заратуштроэма деб аталади. У пайгамбар Заратуштра даражасидаги олий диний бошлик. Унинг розилигисиз дахъюпатилар ва дахъю састилар ҳокимият тепасига кела олмайдилар.

Эзгулик худоси Ахурамазда яратган мамлакатларда оксоколлар кенгаши “варзана”, “ханчамана”, умум жамоа мажлиси эса “вхяха” деб юритилган. Авестода шахар ёки шахар жамоаси деган тушунчалар учрамайди. Авесто кадимги жамият ахзоларини тўрт таифага бўлади: кохинлар, жангчи аскарлар, чорвадорлар ва хунармандлар (Ясна китоби, 19-боб). Авестода тилга олинган “баланд уйлар”, “устунлар” иборалари Авесто жамиятининг ижтимоий-иқтисодий асосида бронза даври дехкончилик жамоаларининг ҳаётий манзараси ётади.

Дарҳақиқат, агар ўша давр жамияти аъзолари таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, кадимги дехкончилик минтакаларида дастлаб бошқарув тизимининг тепасида кохинлар турган. Улар “чорва ва кенг яйловлар эгаси”. Жангчи аскарлар бу орийлар бўлиб, кохинлардан кейинги мулк эгалари. Авестода асосий бойлик чорва ҳисобланган. Заратуштра ўз таълимотида “Чорвага яхши эга керак. Ушбу ердаги чорва эгаларига мен эркин юришни ва эркин ҳаётни таҳмин қиламан” дейди (Ясна, 24. Готалар). Ана шу эркин ҳаёт эгалари орийлар эди. Авестодаги чорвадорлар тоифаси эса кохинлар ва жангчи орийлар бойлиги - чорва мол-қўйлари ва йилқиларини боқувчи чўпонлардир.

Хунармандлар тоифасига келсак, улар меҳнат ва ҳарбий қуроллар, заргарлик, қулолчилик ва тўқимачилик касбини зироатчиликдан ажралмаган ҳолда олиб боровчи, яъни ҳўжалик юритувчи дехкончилик жамоаларидир. Аммо, Авестонинг Ясна ва Яштларида дехкончилик ҳақида маълумотлар учрамайди. Бундай маълумотлар Авестонинг Видевдат китобида бор (Видевдат, 3-боб).

Авестода диний ва ахлокий фалсафий қарашлар. Заратуштранинг диний фалсафаси қарама -қарши қучларнинг қурашига асосланган. Бу қураш ҳудолар ўртасида бошланиб, табиётда ва инсонлар ҳаётида ҳам давом этади. Аҳоли жойлашган дунёни зардуштийлар 7 та табиий қисмларга бўлганлар. Бу дунёнинг тарихи 12 минг йил давомида ривожланади, деб қараш қилганлар. Улар дунё ривожини тўрт босқичга бўлиб, ҳар бир босқич 3 минг йилни ўз ичига олган. Биринчи босқич-қўринмас маънавий дунё; иккинчиси-ерда одамзод ҳаётини бошланиши, яъни Гавамард (исломда Одам ато) нинг пайда бўлиш даври; учунчиси-“олтин давр”, яъни орийларнинг тарих майдонига чиқиш даври; тўртинчиси-пайгамбар Заратуштра вафотидан кейинги давр. Дунё тарихининг иккинчи босқичида ёвузликлар илоҳи Аҳриман (исломда Шайтон) фаолияти бошланади. Аҳриман Гавамардни ўлдиради, аммо ундан тарқалган эркак ва аёл инсоният уругини давом эттиради. Авестога қўра, орийлар Гавамард қарзандларидан ташқил топган. Орийларни Авесто турларининг аслзодалари сифатида тасаввур қилиш мумкин. Учунчи босқич Йима (Жамшид) подшолик қилган “олтин” давр бўлиб, бу даврда одамлар бахтли ҳаёт кечирганлар. Дунё аҳолиси бир неча бор қўпайган, қушлар ва ҳайвонлар яшаши учун сайхон (одам оёғи етмаган) ерлар қолмаган. Ахурамазда маслаҳатига қўра, Йима ҳар 300, 600 ва 900 йил давомида инсонлар яшайдиган ерлар қаргаларини қенгайтириб

борган. Йима совук ва сув тошкинига карши “вара”- тўртбурчакли калъа куришга асос солган. Демак, бу давр археологик даврий тизимда бронза ва илк темир даврига тўғри келади. Дунё тарихининг тўртинчи боскичида инсониятни ёвуз кучлардан халос этувчи, куткарувчи Саошхянт исмли шахс пайдо бўлади, ер юзини ёмонликлардан тозалайди, гуноҳ иш қилган ва қилувчи одамларни йўқ қилади. Айнан шу даврда боходирларга ҳамду-санолар тўқиш, ҳаёт ва ўлим фалсафаси, халқ оғзаки ижодияти келиб чиқади. Бу давр кишилик тарихида “ҳарбий демократия даврига” тўғри келади. Тўртинчи даврнинг сўнгида “охирги замон” бошланади.

Заратуштрининг диний ахлокий фалсафасида иймонли бўлиш, бунинг учун доимо тоза, пок юриш, иблисларга карши ҳаракатлар қилиш, гуноҳ қилмаслик, эзгу фикр, эгу сўз, эзгу амаллар билан яшаш ҳар бир зардуштийнинг кундалик ҳаёт фаолиятининг мазмун ва моҳиятини ташкил этиш керак. Ахурамазда башоратларида жаҳаннам “ҳаётнинг энг ёмон онлари”, осмон эса “рухнинг энг юксак ҳолати” сифатида ифодаланади. Оламдаги ёмонлик ва ёвузликлар одамларнинг иймонсизлигидан келиб чиқади. Уларни бартараф этиш, бу истикболдаги вазифа бўлиб, иймонли кишилар буларни бартараф этишда фаоллик кўрсатишлари керак, дейилади.

Зардуштийлик динида иймон уч таянчга асосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги. Авестода “берган сўзнинг урдасидан чиқиш, унга содик қолиш, савдо-сотик ва шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш иймонлилик аломатидир” дейилган. Заратуштра фалсафасига кўра, одам ўлгач, унинг руҳи 3 кун ўз танасида бўлади, тўртинчи кунда гўзал қиз қиёфасидаги фаришта қузатувида нариги дунёга “чинвот” (қил қўприқ) қўпригидан ўтиб жаннатга кетади. Гуноҳқорлар эса чинвотдан ўтолмай жаҳаннамга қарқ бўладилар. Яхшилар эса яна янги таналарда яшашни давом эттирадилар.

Авесто бу борлиқ дунёни одам учун синов майдони, деб тушунтиради. Зеро, инсоният, дастлаб, Йима подшо бўлган даврларда азалий-абадий бахт-саодат маконида қасаллик ва ўлим кўрмай, олтин асрни бошидан кечирган. Йима минг йил подшо бўлиб, жаннат макон юрт яратган. Унда мағрурлик қолиб қелиб, Ахурамазда қан эгган таом-қорамол гўштини еб қўяди ва жазога тортилади. Натижада унинг авлодлари, яъни барча одамзод тирикчилик қарди – ташвишларига қириқтор бўлади, яъни ёйиш-ичиш қаруриятига, қасалликлар ва ўлимга юзма-юз бўлади. Аҳриман Ахурамазда танасидан ажраб қикиб, ёвузликлар қартишга тутинади. Энди, дунёни азалий эзгулик бағрига қайтаришининг бирдан бир йўли пок ҳаёт, ҳалол меҳнат, қарувчилик, ёвузликни қалбдан қикариб ташлаш, иймонли эҳтиқодли бўлиш, қискинларга ёрдам бериш, яхши ниёт, яхши сўз ва яхши амалларга қўл уришдир. Шундай қилиб, Авесто дунёдаги энг қадимги дин-зардуштийлик таълимотини ахлокий фалсафаси, бу қитоб нафакат диний, балки

кенг маънода тарихий ва адабий манба, аجدодларимизнинг узок ўтмиш тарихи ва тафаккур тараккиётининг комусий йигиндисидир.

Якуний хулоса. Авесто тахлилига якун ясаб шуни айтиш мумкинки, бу илохий, тарихий, адабий манбаа ўзида бир неча давр тарихини камраб олган. Унинг энг кадимги катлами “Готалар” (мукаддас кўшиқлар) Заратуштра яшаган замонда таркиб топган. “Готалар”да баён этилган воқеалар тахлили, уни бронза даврида яратилганлигидан гувоҳлик беради. “Яшт”ларда архаика ва илк антик даври ижтимоий-иқтисодий тараккиёт даражаси мужассамлашган бўлиб, унинг таркибига “Готалар” даври воқеалари омукталаштирилган. Давр жихатидан улардан ёш ҳисобланган Видевдат эса сосонийлар даврида (Шопур 1 даврида) тахрир килиниб китоб холига келтирилади. Бунда анъанавий диний, фалсафий ва ахлокий қарашлар давр руҳи билан омукталашган. Хар қалай, Авестони бир бутунликда тахлил этганда шуниси аниқки, Заратуштра яшаган замонга қадар ибтидоий аждодларимиз турли қабилавий диний тасаввурларга амал қилиб келишган. Энди эса ибтидоий муносабатлар ўрнини дастлабки синфий ҷамият эгаллаётган давр бошланди. Бу даврнинг шаклланиши учун қучли мафкуравий гоё зарурлиги сезила бошланди. Чунки, маҳаллий қабилавий динлар ҷамият тараккиётининг янги босқичга қўтарилишига тўсқинлик қилувчи қучга айланган эди. Бу мураккаб замонда ўлқанинг турли қабилаларини бирлаштириш, бу орқали уларни илк давлатчилиқ гоёси атрофига уюштириш зарурияти тугилди. Ана шундай заруриятни тўғри тушунган ўз замонасининг илгор қишилардан бири сифатида Заратуштра тарих майдонига қикди.

У ўз қавми, юрти Туронзаминда ўзига издошлар топа олмаган Заратуштра шимолий-шарқий Эрон вилоятларидан бири Бахдида, унинг қависи Виштасп, бутун хонадони ва аёнлари томонидан яхши қутиб олинадилар ва шундан сўнг унинг дини ривож топади.

Биз юкорида Авесто ҷамияти нмана, вис, занту ва дахъюлардан ташкил топганини қўрдик. Ана шу кадимги ҷамият тизимининг энг юкори босқичи дахъюга этногенез нуқтаи назаридан ёндашилса, дахъю нафакат йирик ҳудудий бирлик, балки маълум бир этник бирликнинг маъмурий ҳудуди ҳамдир. Шундай ҳудудий этник бирликлардан 16 тасини, масалан, Гава Сугуда, Бахди, Маури, Хороева, Тур ва бошқаларни, номлари Авестода тилга олинадилар. Уларнинг хар бири ўз навбатида муайян халқлар номлари билан бевосита боғлиқ этник бирликлардир. Айнан, ана шу Авесто манбаси туфайли кадимда Ўрта Осиё ҳудудларида туб жойли сугдий, бохтарий, хоразмий, маргуш, тур (сак) қабилалари яшаганлигини биламиз. Демак, Авесто маълумотлари ўзбек халқи этногенезини ўрганиш учун ҳам ноёб ёзма манба ҳисобланади.

Доро 1 даврида Карманшоҳ ва Хамадан шахри ўртасидаги йўлда баланд қоятошда кадимги форс, элам ва аккад тилларида битилган. Ёзувда шох Доро 1 хабар қилади: “Мен-Доро, улуг подшо, шаҳаншоҳ, мамлакатлар подшоси, Виштасп ўғли, Аршан невараси, Ахамоний. Ахурамазда иродаси билан қуйидаги давлатларни қўлимга қиритиб, уларнинг подшоси бўлдим: Форс, Элам, Бобил, Оссурия, Арабистон, Миср, Лидия, Мония, Арманистон, Каппадокия, Парфия, Дрангиёна, Аргя, Хоразм, Бактрия, Сугдиёна, Гандхара, Сака, Саттагадия, Арахозия, Мака. Хаммаси бўлиб 23 давлат”. Шох Доро 1 давом этиб, “Мен Бобилда бўлганимда, қуйидаги давлатлар мендан ажралиб чиқиб кетганлар: Форс, Элам, Мидия, Оссурия, Миср, Парфия, Маргиёна, Саттагодия, Сака”. Бехистин ёзувида яна қуйидаги хабарларни ўқиймиз: “Маргиёна номи давлат мендан ажралиб чиқиб кетди. Маргиёналик Фрада исми бир одам ўзини вилоятнинг ҳокими деб эълон қилди. Кейин мен, Бактрия сатрапи, бўйсунувчи одамим форс Дадаршишни чақириб, унга гапирдим: “Менга бўйсунмаганларни тор-мор қилиш керак”. Дадаршиш қўшинлари билан отланиб, маргиёналиклар билан жанг қилди. Ахурамазда менга ёрдам кўрсатди. Ахурамазда иродаси билан менинг қўшинларим кўзғолончиларни бутунлай мағлубиятга учратди.... Мана мен Бактрияда нималарни қилдим”. Подшо Доро 1 яна ўз ютуқлари ҳақида сўзлашни давом эттириб, дейдики: “Бундан сўнг мен сакларга қарши улар юртига бостириб бордим, уларнинг ўзлари чўкки қалпоқ қийиб юрадилар. Мен дарёга етиб келдим. Уларнинг сардори Сқунха исми одамни тутиб, менинг ҳузуримга келтирдилар. Мен ўз хоҳишим билан саклар юртига янги бошлик тайин қилдим. Шундан сўнг мамлакат менинг қўл остига ўтди”.

Доро 1 Бехистун ёзувларида Ахамонийлар давлатининг гарбий вилоятларини кўрсатиб берган бўлса, Накши Рустам ёзувларида мамлакатлар рўйхати Мидия ва Эламдан сўнг шарқий вилоятлардан бошланади. Доро сўзи: “Мен-Доро, улуг подшо, шаҳаншоҳ, қўп қабилала мамлакатларнинг подшоси, кенг сайхон ерларнинг подшоси, Виштасп ўғли, Ахамоний, форс, форснинг ўғли, орийлар уругидан келиб чиққан орий. Форс вилоятдан ташқари қуйидаги мамлакатларни мен бўйсундирганман, менга хирож тўловчи бўлган, менинг сўзимни ижро этган, менинг қонунига асосланиб ривожланаётган: Мидия, Элам, Аргя, Бактрия, Сугдиёна, Хоразм.... Сака Хаумаварка, Сака Тиграхауда...денгиздан нариги ердаги саклар”.

Доро 1 нинг Суза шаҳридаги подшоҳ саройида ўрнатилган хайкалидаги ёзувларда Бактрия, Сугдиёна ва Хоразмдан ташқари “балчик ва тупрок ўлкаси саклари” тилга олинади. Сузадан топилган яна бир ёзувда Доро 1 эълон қилади: “Сузадаги саройни мен бино қилганимда унинг безаклари узок юртлардан олиб келинган. Уақа ёғочи –Ганхарадан, олтин – Сард ва Бактриядан, ялтирок тошлар ва ложувард- Сугдиёнадан, фируза-Хоразмдан, қумуш ва бронза – Арахозиядан, тош устунлари-Эламдан етказиб берилган”.

Персепол (Тахти Жамшид) шахрида Доро ва Ксеркс саройига олиб борувчи тош пилла поя деворларига Эрон ахамонийларига тобе мамлакатлардан хирож олиб келган вакиллар суратлари буртма услубда ишланган. Хайкалтарош хар бир мамлакатдан келган вакилларни савга-саломлари билан шунчалар реал тасвирлаганки, уларни кайси бир халкка тегишли эканини аниклаш кийин эмас. Чунки, суратларда уларнинг киёфаси, кийим-бошлари, куруллари, хатто уларга хос анъанавий хайвон суратлари ҳам ўз аксини топган. Маслан, Сугдиёнадан келганлар деворий суратларда 8-каторни ташкил этади. Улар етти кишидан иборат бўлиб, шохга кумуш идишлар, ипак матолари, номаълум хайвон териси (Шер бўлса керак) ва икки кўйни етаклаб келаётгани тасвирланган. Ўн биринчи каторда чўкки калпок кийган тиграхауда саклари тасвирланган. Улар кийим-бошларни кўтариб, дашт отини етаклаб бормокдалар. Ўн бешинчи каторда бактрияликларнинг беш вакили асл металлдан ишланган кимматбахо идишларни кўтариб ва икки уркачли туяни (бакрианани) етаклаб бормокда. Ўн еттинчи каторда хоразмликлар, уларнинг кўлларида дудама ханжар, жангавор харбий болта, билагузик ва жийрон отни етаклаб бормокдалар.

Шундай қилиб, Персепол суратлари Сугдиёна, Бактрия, Хоразм халклари ва сак кабилаларининг нафакат кийим-бошлари ва уларга хос хунармандчилик хакида, балки бизни кизиктирган жабха-Ўрта Осиёнинг кадимги халклари этник таркиби тўғрисида ноёб маълумотлар беради. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг туб жойли аҳолиси тўғрисидаги тасаввурларимизни бойитади. Умуман олганда, Ахамоний битикларида кадимда яшаган юртимиз халкларининг вилоятлари, халкларининг номлари, сиёсий жараёнлар (Фрада кўзголони), саклар юртига қарши юришлар, иктисодий ҳаёт ва моддий маданият тўғрисида илмий манбавий маълумотларга эга бўламиз.